



27 июнь — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимлари кuni



ЯНГИ ДУНЁ, ЖУРНАЛИСТИКА ВА МИЛЛИЙ МАНФААТ

Глобллашган дунё тарихан шундай давр билан юзма-юз турибдики, тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлат учун матбуот ва ОАВ мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳалар қаторидан ўрин олмоқда. Ўз навбатида журналистлар жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, аввало, миллий манфаат нуқтаи назаридан тезкор, холис ва таҳлилий ёритиб бориши ҳаётий заруратга айланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бугун ахборот майдонини сифатли миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан долзарб эканини таъкидлар экан, кўп қиррали, профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал фазилатларга эга замонавий журналист кадрларни тайёрлаш устувор вазифа бўлиб қолишига урғу бергани бежиз эмас.



► (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛМАГАН ҚОНУНЛАР

узоқ яшамайди



ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

РЕЖАДА БОР, АМАЛДА- ЧИ?



30 ИЮНЬ – ЁШЛАР КУНИ

БИЗ КЕЛАЖАКНИ КУТМАЙМИЗ, УНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАМИЗ!

2017 йил 30 июнь. Давлат раҳбарининг бир гуруҳ фаол ёшлар билан учрашуви. 2017 йил 24 август. Сенат яна бир қонунни тасдиқлади. 30 июнь Ўзбекистонда Ёшлар кuni сифатида белгиланди.

Мана бир неча йилдирки, нишонланиб келинаётган ушбу сана юртимиздаги юзлаб, ҳаттоки минглаб ёшларни бирлаштиришга ҳисса қўшди. Сана муносабати билан турли акциялар эълон қилиниб, йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш яхши анъана тусига кирди. Шу билан бирга, турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган ёшларни рағбатлантириш мақсадида “Келажак бунёдкори” медаллари ҳамда ҳар жабҳада фаол ва жонқуяр ёш йигитлар учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти таъсис этилди. Бугун эса мард ва жасур ўғлонлар, келажакимиз бунёдкори бўлган ташаббускор қизлар сафи кенгайди.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи ёшлар бўлса, уларнинг қарийб 50 фоизи 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганларни ташкил қилади. Ва биламизки, бу ёшдагилар, асосан, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлирида таҳсил олади ёки эндигина бирор йўналишда фаолият бошлаган бўлади.

Маълумотларга қарасак, айни шу ёшдаги ватандошларимиз орасида ташаббускор ва интилувчанлари кўпчиликни ташкил қилмоқда. Табиийки, уларнинг мақсадларини рўйбга чиқариш учун давлат томонидан бор куч ва имкониятлар ишга солиняпти. Ёшлар ҳам имкониятлардан самарали фойдаланиб, салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Қувонарлиси эса ҳаётда аниқ мақсадига эга ва уларга босқичма-босқич эришаётганлар сафи кенгаймоқда. Биз сизларни уларнинг айримлари билан таништирамиз.

► (Давоми 5-бетда)

АКС-САДО

ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР ҚАРШИСИДА

ёхуд фаввора ёнидаги гурунг



ФОРУМ ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Ўтган ҳафтада Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон шаҳарлари одатдагидан анча гавжум эди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда вилоят партия кенгаши масъуллари томонидан ташкил этилган йирик тадбир мавсум ҳароратига ҳарорат қўшди. Салқин хоналарда давом этган қайноқ суҳбатлар анъанавий йиғилишлардан мутлақо фарқ қиларди. Ёшларни бирлаштириш, уларнинг билим ва иқтидорларини синовдан ўтказиш, янги истеъдодларни кашф қилишга қаратилган “Фарғона ёшларининг парламентадаги овози” форуми ноанъанавийлиги билан иштирокчилар хотирасида қолди.

Гап шундаки, ёшларни парламент жараёнларига фаол жалб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, қонунчилик ташаббусларини илгари суриш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш билан бирга, ёшларда миллий маданий меросга нисбатан ҳурмат ва қизиқиш уйғотиш, уларнинг жамиятдаги ролини янада кенгайтириш мақсадларига қаратилган йирик анжуман улкан мулоқот майдонига айланди.

Форумнинг дастлабки кuni Қўқон шаҳридаги Қўқон университети конференция залида бошланди. Тантанали

очириш маросимида Қўқон шаҳар ҳокими М. Усмонов, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари Ш. Ўктамов ва фаол ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Шу кuni парламент ёшлар гуруҳи иштирокида “Парламент модели” тадбири ўтказилди. Унда ижтимоий тенглик ва замонавий талаблар асосида имтиёз ва грантларни тақсимлаш, шунингдек, фриланс ва рақамли меҳнат соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқишга бағишланган мунозаралар бўлиб ўтди.

Форум доирасида иштирокчилар шаҳар ва туманлардаги тарихий ва маданий мерос объектиларига ташриф буюришди. Бу тадбирлар ёшларда миллий меросга нисбатан ҳурмат ва қизиқишни оширишга хизмат қилди.

Форумнинг иккинчи кунда иштирокчилар Марғилон шаҳрига бориб, шаҳар ҳокими билан очиқ мулоқот ўтказишди. Суҳбатда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, тадбиркорликни ривожлантириш, таълим ва рақамли инфратузилма ҳақида фикр алмашилди.

► (Давоми 5-бетда)

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС
БЎЛМАГАН ҚОНУНЛАР

УЗОҚ ЯШАМАЙДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Қизғин давом этган муҳокамалар чоғида депутатлар фикр билдирди, электорат манфаатларига оид масалаларда саволлар ўртага ташланди. Аксарият халқ вакиллари парламентда кўриб чиқиладиган масалалар муҳимлигини таъкидлаган бўлса-да, қарор қабул қилишда шошилмаслик кераклигига урғу берди. Моҳият чуқур ўрганилиб, ҳаётдан ажралмайдиган, воқеликлар кўлами ва ҳақиқатга яқин меъёрлардан иборат қонунлар қабул қилиниши зарурлиги таъкидланди. Зеро, парламентга кириб келаётган ҳар бир лойиҳада инсон манфаати устувор бўлмас экан, қонунлар ҳаётдан ажралиб қолиши мумкин.

ФРАКЦИЯ ҲАВОЛАКИ
НОРМАЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Кун тартибига кўра, дастлаб иккинчи ўқишда муҳокама қилинаётган қонунларга навбат берилди. Иккита ўқиш орасидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида маълумот олган парламент аъзолари қонун лойиҳасини модда-модда кўриб чиқди. Табиийки, ушбу жараён ҳам қизғин савол-жавоблар билан кечди. Бирок “Ижтимоий иш тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси депутатлар диққат марказида бўлди.

Айтиш керакки, аввалроқ мазкур масала Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам кўриб чиқилган эди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти ва амалий натижаларини чуқур таҳлил қилди. Таъкидландики, мазкур лойиҳа аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами учун ижтимоий иш тизимини жорий этишни назарда tutади.

Лойиҳага кўра, ижтимоий ишчи вазифаси, унинг мажбуриятлари, жамиятда тутган ўрни ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари билан ишлаш усуллари ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилади. Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси партия электорати бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига кўрсатилаётган ёрдамларнинг аниқ ва манзилли бўлишида принципиал аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Қайд этилишича, эндиликда мамлакатимизда ижтимоий ходимнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, уларнинг фаолияти учун муносиб шароит яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Бу эса партия электорати муаммолари аниқланиши ва самарали ечим топишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ижтимоий хизматлар бирламчи, ихтисослашган ва юқори ихтисослашган турларга ажратилмоқда. Яъни, ижтимоий хизматлар фуқаронинг уйда, маҳалласида, ижтимоий объектларда ҳамда онлайн шаклда кўрсатилиши назарда тутилмоқда. Депутатлар ижтимоий фаолиятнинг халқимизга яқин бўлиши муҳимлигини қайд этди. Айниқса, ногиронлиги бор шахсларга қулай ва профессионал хизмат кўрсатилишига эътибор қаратилди.

Палата мажлисида ҳам фракция аъзолари қонун лойиҳаси бўйича айрим аниқлаштирувчи саволлар ва тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, ЎзХДП фракцияси раҳбари

Қайд этилишича, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолияти йўлга қўйилгани ягона давлат сиёсатини олиб боришга хизмат қилмоқда. Муҳокама қилинган қонун лойиҳаси эса концептуал жиҳатдан бу ислохотларнинг янада самарали ишлашига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, қонуннинг мақсади жуда устувор бўлиб, матнига эътибор қаратилса, бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Шу нуқтаи назаридан танқидий жиҳатдан баъзи масалаларга эътибор қаратилди.

Биринчидан, лойиҳа матни ўқилганда ижтимоий иш тўғрисидаги ёки ижтимоий ходимни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги деган иккиланиш ҳосил бўлмоқда. Қонунда аҳоли манфаатларини рўёбга чиқарадиган нормалар аниқ кўрсатилмасдан маъмурий тартиб-тамоилиларни ўз ичига олмақда. Аслида бу турдаги қонунлар ижтимоий оғир вазиятга тушган аҳоли манфаатларига ёрдам ёки ижтимоий хизмат ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаши керак.

Иккинчидан, қонунда махсус ваколатли орган ва унинг вазифалари аниқ ёритилган. Лекин халқимиз, хусусан, электоратимизни асосан кўрсатилаётган ижтимоий хизмат ва

“

БУ ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИНИНГ
КЕЛАЖАКДА ТЎҒРИДАН-
ТЎҒРИ ИШЛАШИГА ШУБҲА
УЙҒОТАДИ. ШУНДАН
КЕЛИБ ЧИҚИБ, ИККИНЧИ
ЎҚИШГАЧА БИЛДИРИЛГАН
ЭЪТИРОЗЛАР ИНОБАТГА
ОЛИНИШИ, ҚОНУННИНГ
МАТНИ ҚАЙТА КЎРИБ
ЧИҚИЛИБ, ТЎҒРИДАН-
ТЎҒРИ ИШЛАЙДИГАН
ҲОЛАТГА КЕЛТИРИЛИШИ
КЕРАКЛИГИ ҚАЙД
ЭТИЛДИ.

ёрдамлар қизиқтиради. Қонун лойиҳасини фракцияда муҳокама қилиш жараёнида ижтимоий ходимнинг маҳалла даражасида



тарзида баён этилган. Хусусан, 10-модда — ижтимоий иш жорий этилган муқобил шакллар; 36-модда — ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани аниқлаш, ҳисобга олиш ва чиқариш; 38-модда — ижтимоий хизмат ва ёрдамни ижтимоий шартнома асосида кўрсатиш, шунингдек, кўплаб моддаларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, деб кўрсатилган.

Фракция фикрига кўра, бу қонун лойиҳасининг келажакда тўғридан-тўғри ишлашига шубҳа уйғотади. Шундан келиб чиқиб, иккинчи ўқишгача билдирилган эътирозлар инобатга олиниши, қонуннинг матни қайта кўриб чиқилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳолатга келтирилиши кераклиги қайд этилди.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита билан изчил ҳамкорлик қилиниши айтилди. Юқоридаги асосларга кўра, лойиҳа концептуал равишда қўллаб-қувватланди.

ЖАВОБГАРЛИК ҲАММА УЧУН
БАРОБАР БЎЛИШИ КЕРАК

Ёқилғи-энергетика манбалари инсон учун сув ва ҳаводан кейин зарур бўлган энг муҳим воситалардан, хатто ҳаётий эҳтиёжлардан ҳисобланади. Шу боис ер юзид а ушбу масалалалар кун тартибининг асосий мавзулардан бири сифатида муҳокама қилиб келинади.

Масалан, ўтган йили ноябрь ойида мамлакатимизда “Минтақавий энергетика ислохотлари: тартибга солиш амалиётини кучайтириш” мавзусида саммит бўлиб ўтган эди. Унда мамлакатимиз, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия, Грузия экспертлари тартибга солувчи ислохотлар асослари, энергетика бозори динамикаси, барқарор энергияга ўтиш, саноатда рақамлаштириш ва инновациялар каби масалаларни муҳокама қилган. Бундан кўринадики, тизимдаги ислохотлар қонунчиликни такомиллаштириш, замонга мослаштиришни талаб этади.

Шундан келиб чиқиб, қонунчиликка бир қатор ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилди. Палата мажлисида бу борадаги янги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Аввалроқ фракция йиғилишида ҳам “Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинган.

Қайд этилишича, сўнгги йилларда мамлакатимизда энергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳисоб-китоб тизимини шаффофлаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, соҳада юзага келаётган ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашиш, жавобгарликни кучайтириш ва назорат механизмларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бирига айланган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти шундан далолат бермоқдаки, тадбиркорлик субъекти томонидан электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, табиий газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилса, жавобгарликка фақат ташкилотларнинг мансабдор шахслари тортилмоқда. Бу борада ҳуқуқбузарлик содир этган якка тартибдаги тадбиркорларни эса жавобгарликка тортиш асослари

белгиланмаган.

Маълумотларга қараганда, 2024 йилда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан энергияни беҳуда сарфлаш билан боғлиқ 17,6 мингта, газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ 7,6 мингта ҳолат аниқланган. Бироқ амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу ҳуқуқбузарликлар субъекти сифатида фақат мансабдор шахслар назарда тутилган, шу сабабли, якка тартибдаги тадбиркорларни жавобгарликка тортиш механизми мавжуд эмас.

Шу билан бирга, Ўзэнергоинспекциянинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколатлари қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмаган. Ички ишлар органлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларига ҳам ушбу соҳада маъмурий баённома расмийлаштириш ваколати берилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳа билан Ўзэнергоинспекциянинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома расмийлаштириш ваколати аниқ белгиланмоқда. Ички ишлар органлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларига эса ёритиш учун электр энергиясидан беҳуда, хўжасизларча фойдаланиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий баённома расмийлаштириш ваколатини бериш тақлиф этилмоқда.

Энергия самарадорлигини таъминлаш, энергия ресурсларидан беҳуда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган чоралар назарда тутилмоқда. Яъни, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти сифатида қайд этилмоқда. Бундан ташқари, электр энергияси, газ ва сув тармоқларига қонунга хилоф равишда уланиб, уларни ўғирлаганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Бўлиб ўтган савол-жавобларда амалдаги мавжуд жазо чораларининг нега оширилаётгани, лойиҳанинг тушунтириш хатида бунга етарлича асос келтирилмагани муҳокама қилинди. Шунингдек, депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уни такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлиф ва тавсияларини билдирди. Лойиҳада назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди.

Қонун ташаббускорлари берилган барча саволлар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб, мазкур ҳужжат соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикасини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Қонун ижодкорлари иккинчи ўқишга тайёргарлик жараёнида бугун кўтарилган масалалар юзасидан ҳамкорликда иш олиб боришини айтганидан сўнг лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Мажлисида шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига валюта ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги ҳамда “Халқаро метрик Конвенцияга (Париж, 1875 йил 20 май, 1907 йил 17 октябрдаги, 1913 йил 11 октябрдаги ва 1921 йил 6 октябрдаги ўзгартириш ва қўшимчалари билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда муҳокамадан ўтказилди. Савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар асосида мазкур масалалар ҳам кўпчилик овоз билан маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Улуғбек Иноятов қонун лойиҳаси юртимизда ижтимоий соҳада олиб бориладиган ислохотларга йўналтирилгани билан аҳамиятли эканига эътибор қаратди. Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилиниши натижасида кўплаб ислохотлар амалга оширилгани таъкидланди.

100 дан ортиқ ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиши тўғрисида маълумот берилди. Аммо бу хизматлар қонунда кўрсатилмаган.

Учинчидан, асосийси ва энг муҳими, ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган моддаларга эътибор қараташ зарур. Бироқ моддалар ҳаволаки



ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР ҚАРШИСИДА ёхуд фаввора ёнидаги гурунг

Қарши оқшоми. Саратон иссиғининг тафти босилиб, бирин-кетин кўк тоқидан жой олаётган юлдузлар ўн саккиз минг оламда ёлғиз эмаслигимизни шивирлаб тургандай милтирайди. Қадимий шаҳар марказига элтадиган катта йўл ёқасидаги замонавий “Чашма” таомхонасининг кенг ҳовлисида чироқлар ёнган. Ўртада ёнма-ён фавворалар сув сочиб турибди.

Бугун шу мўъжаз таомхонага воҳа ҳаётининг маданий, маърифий, сиёсий кўзгуси бўлган “Қашқадарё” газетасининг бир асрлик тўйини нишонлаш учун кекса, ёш журналистлар, ёзувчилар, давлат идораларида меҳнат қилаётган фаоллар тўпланишган.

Чироқлар ёгдусида ажиб манзара касб этган фаввора томчиларига термулиб, бир неча кун ичида воҳамиз ҳаётида юз берган бемисл воқеалар кўз ўнгимдан ўтади.

Асрларки, мавжланиб оқаётган Қашқадарё соҳилида қарор топган бу қадимий шаҳар кўп ўзгаришларнинг гувоҳи. Узоққа бормайлик. Воҳага ташриф буюрган давлатимиз раҳбари улкан тараққиёт режаларини баён этиб, ўтган йилни “Қашдарё йили бўлади”, деб эълон қилганди. Дарҳақиқат, юртимизда нефть, газ, пахта, пилла ва бошқа бойликларни етиштиришда етакчилар қаторида турган вилоятимизнинг ташкил топганига ўтган йили 100 йил тўлди. Эҳ, қисқа фурсатда қандай салмоқли натижаларга эришилди-я...

Кўл телефоним туйқус жиринглаб, хаёлимни тўзғитиб юборади.

– Соғ-саломатмисиз? – сўраша бошлайди ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, шаҳар кенгаши депутаты Рашид ака Муртазаев. У киши шаҳарнинг доно кайвониси. – Сиз телевизор ишлаб чиқараётган корхона раҳбари Шухратжон билан боғлана олмаётганингизни айтган эдингиз- а ? У Нигора қизим билан бир синфда ўқиган. Ўзи сизга қўнғироқ қилади...

– Ассалому алайкум, – шу аснода қўнғироқ қилади Шухрат Муродов. – Рашид ака айтгандилар.

Кутилган қўнғироқдан руҳим янада кўтарилади. Мулоқотимиз, табиийки, давлат раҳбарининг ташрифига боғланади.

– Президентимизнинг корхонамизга келганидан бошимиз кўкка етди– дейди Шухратжон. –Илгари йилига 120 минг дона “Смарт” телевизор ишлаб чиқарган бўлсак, энди 450 мингтага етказиш қувватига эгамиз. Бундан ташқари, митти электрон чиплар тайёрлаб, бошқа корхоналарга ҳам етказиб берамиз. Яна бир янгилик – телевизорларимизга энди сунъий интеллект мосламаларини ўрнатиб чиқарамиз. Бу ерда 160 киши ишлаб, рўзгорини тебратяпти. Хуллас, оёққа турганимизни ва биз, тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорлигимни билдириб, Президентимизга раҳмат айтдим...

Шухратжон бироз тин олгач, суҳбат маромини босиб ўтган йўлига бураман. Бу йигитнинг отаси ёшлигида қазо қилган, ҳамшира бўлиб ишлаган онаси Лола опа икки қиз ва ўғлини бир кўз билан камолга етказибди. Шухратжон Қарши давлат университетини битириб, тадбиркорликка қўл ургани ва фаолиятидаги паст-баландликлар унга сабоқ бўлаётганини яширмайди. Мен ҳам тилак тилайман: “Асло кам бўлманг!..”

–Ҳа, хаёл суряпсизми? – дейди таомхона ичкарисидан чиқиб келган Сенат аъзоси Комила Каромова стуллардан бирига ўтириб, фаввора салқинига юзини тутаркан.

Комила амалиёт ўтагани “Қашқадарё” газетасига 1980-йиллар бошида келганида, мен маданият бўлими мудири вазифасини бажарар эдим. Қобилиятли журналист эканига амин бўлганман. Кейин у ЎзХДП Қарши шаҳар кенгашини ва “Насаф” газетасини бошқарди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига икки карра сайланди. Қашқадарё вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари ҳам бўлди. Ҳозир Республика маърифат ва маънавият маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари.

– Комила, сиз Қаршидан Шахрисабзга

борадиган тез юрар поездда Президентимиз билан бир вагонда кетдингиз-а...– дейман телевизорда кўрганим ўша лаҳзаларни кўз ўнгимга келтириб.

– Давлатимиз раҳбари мендан ёшлар, аёллар, воҳа аҳли ҳаёти, кайфияти, орзулари ҳақида сўради, – ҳаяжонланади Комила. – Мен бир пайтлар депутат бўлганимда, учрашувларда одамларнинг иш сўраб, фарзандлари учун илмгоҳларга шартнома маблағларини топишга қийналаётганларини айтиб, мурожаат қилишганида, ҳижолатдан бош кўтара олмаганимни эсладим. Ҳозир ҳар бир туманда саноат корхоналари кўплаб қурилди, иш ўринлари яратилмоқда. Ёшлар, хотин-қизлар ўқиши, илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ишли бўлиши учун

““

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АДИРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ, ЯНГИ БОҒЛАР, ЭКИНЗОРЛАРНИ КўПАЙТИРИШ ВАЗИФАСИНИ КўЙДИ. АЙНИҚСА, ЕВРОПАГА ВА БОШҚА ТАРАҚҲИЙ ЭТГАН ДАВЛАТЛАРГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ КўПАЙТИРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ. ЯНА БИР ФАКТНИ АЙТАЙ, ҲОЗИРГАЧА ВИЛОЯТДА 22 МИНГ ГЕКТАР МАЙДОНДА ЭРТАПИШАР ВА КЕЧГИ ҚОВУН, ТАРВУЗ ЕТИШТИРИБ КЕЛИНГАН БўЛСА, ЭНДИ ПОЛИЗ ЕРЛАРИНИ 50 МИНГ ГЕКТАРГА ЕТКАЗИШ КЕРАКЛИГИГА УРғУ БЕРИЛДИ.



шароитлар тобора яхшиланиб боряпти. Касбим журналист эмасми, у кишининг давлат аҳамиятига эга масалаларни поезднинг ўзида тез, аниқ ҳал қилаётгани, мутасаддиларга қатъий кўрсатмалар бераётгани, поезд деразасидан гоҳо ташқарига қараб, вилоятдаги айрим йўллар, темир излар атрофини обод қилиш, таъмирлаш борасида муҳим вазифаларни ўртага қўяётгани, ҳар қандай мураккаб масаланинг ечимини олдиндан кўра билишини кузатар эканман, ҳайратга тушардим, қалбимни ҳаяжон, фахр эгалларди...

Комиладан поездда бирга кетганларнинг айримларини билиб оламан. Шулардан бири Ботир Раҳимов.

Қурилиш муҳандиси бўлган Ботир аканинг Ҳисорак сув омборини барпо этишда кўп меҳнати сингган. 1988 йилда сув омбори 4-5 туманга оби ҳаёт узата бошлади. Кейин Ботир ака Яккабоғ тумани ҳокими бўлди. 2013-2020 йилларда вилоят сув хўжалиги тизимига раҳбарлик қилди. Ҳозир “Нуроний” жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси.

– Президентимиз билан бир поездда кетиб, у кишига ҳамсуҳбат ва жойлардаги учрашувларининг гувоҳи бўлдим, – дейди Ботир ака гурунгимизга қўшилиб.

– Ҳа, Хисорак сув омборининг 4-5 туман экинзорларига сув узатаётгани катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, анча йил олдин шу жойда ГЭС қурилди. Президентимиз ўшбу иншоот ва бир тадбиркор қурган кичик сув электр корхонаси фаолияти билан танишиб, бундай иншоотларни кўпайтириш, куёш энергиясидан самарали фойдаланиш борасида муҳим вазифаларни тилга олди. Шу жойда, Улаш кишлоғи адирларида терасса, зина-зина усулида 500 гектардан ошиқ ерда боғ яратилибди. Дарахтлар дарёдан сув олиб, томчилатиб сугорилар экан. Ўз фаолиятимдан яхши биламанки, сувни тежаш – ҳаёт-мамот масаласи. Томчилатиб ва бошқа тежамкор сугориш усуллари кенг қўллаш айна зарурат. Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳри истеъмоли учун Хисорак сув омборидан қувурлар орқали сув олиш режасини ўртага ташлади. Буни оқилона ечимлардан бири, деб биламан.

Яшил иқтисодиёт келажаги, воҳада янги боғлар яратиш, дарахтзорларни кўпайтириш ҳақида сўз бораркан, аччиқ сабоқларни унутмаслик лозимлигини ҳам тилга оламан. Чўнки бундан 15-20 йил илгари вилоятда барпо этилган интенсив боғлар етарли самара бермади, кўплаб майдонлардаги хориждан келтирилган мева кўчатлари қуриб қолди, натижада ниҳоллар

қўпариб ташланди. Қанчадан-қанча маблағлар ҳавога совурилди.

– Бу фикрингизга тўла қўшиламан, – дейди биология фанлари номзоди Шодиёр ака Ҳўжаназаров. – Эсингизда бўлса, Қашқадарё дон уруғчилиги илмий-тадқиқот институти тузилган, кўп қаватли бино қурилган, энг замонавий усқунлар билан жиҳозланган эди. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси билан у Жанубий уруғчилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилди... Поездда мен ҳам бор эдим. Президентимиз институтимиз фаолияти билан қизиқди. Ҳозир институтимизда 40 нафар фан доктори, 30 нафар фан номзоди, яна кўплаб изланаётган илмий ёшлар меҳнат қилаётганини айтдим. Агар ўтган даврда ғалланинг 32 та янги хили яратилган бўлса, шундан 8 таси қаттиқ буғдой. Яна 3 та ёғли экин нави кашф қилинди. Сувсизликка, қурғоқчиликка чидамли экин навларини яратиш учун олимларимиз тинмай изланаяпти.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятида адирларни ўзлаштириш, янги боғлар, экинзорларни кўпайтириш вазифасини қўйди. Айниқса, Европага ва бошқа тараққий этган давлатларга сифатли маҳсулотлар экспорт қилишни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини илгари сурди. Яна бир фактни айтмай, ҳозиргача вилоятда 22 минг гектар майдонда эртапишар ва кечги қовун, тарвуз етиштириб келинган бўлса, энди полиз ерларини 50 минг гектарга етказиш кераклигига урғу берилди.

Яна телефоним жиринглайди. Шахрисабз туман ҳокими Абдусамат Ҳасанов экан. Ҳол-аҳвол сўрашгач, суҳбатдош зўр бир кўтаринчилик билан энг сўнгги ўзгаришлардан сўз очади. Айтишмича, ажратилган катта маблағ туфайли Оксус дарёсининг икки қирғоғида яшил йўлақлар, дам олиш, саёҳат масканлари, уй-меҳмонхоналари қурилибди. Ташриф давомида Президентимиз уларни кўздан кечириб, яхши баҳо берибди, туризмни ривожлантириш борасида кўплаб вазифаларни ўртага қўйибди. “Уларни амалга ошириш учун тинмай меҳнат қилишимиз керак”, дейди ҳоким.

Кўқдала туманида яшовчи меҳнат фахрийси Сайдулла Хуррамовни телефонда йўқлайман. Бу инсон роса 57 йил мактабда ёшларга таълим берган.

– Илгари Кўқдалага келганмисиз? – сўрайди фахрий педагог. - Уч-тўрт йил бурун Еттитом бийдай дала, якка-юкка дўконлар кўзга ташланар эди. Давлатимиз раҳбари халқнинг орсусидаги ишни қилди – улкан Чироқчи тумани иккига бўлиниб, янги Кўқдала тумани тузилди. Шу воқеа юз берганда ўзлари қатнашган, бунёдорлик режаларини баён этиб берган эди. Мана, қаранг, дашт бағрида замонавий шаҳарча қад кўтарди. Табиий газ, тоза ичимлик суви, раvon кўчалар... Туман ҳокимлиги атрофида қирққа яқин идора жойлашди. Илгари аҳоли 40-50 километр йўл босиб, Чироқчи шаҳрига қатнар эди. Бугун барча масалани Еттитом шаҳарчасига келиб, бир жойда хал қилиш имконияти пайдо бўлди. Президентимиз Кўқдаладаги фаоллар ййгилишида мазкур тажрибани бутун мамлакатга ёйишни тақлиф қилди. Яна шундай тараққиёт режаларини белгилаб бердики, қувончимизга қувонча қўшилди.

Янги Кўқдалада 120 ўринли шифохона, 150 қатновли поликлиника қурилиб фойдаланишга топширилгани ҳақидаги ангилки диққатимни тортади.

Эл соғлиғи – юртнинг катта бойлиги. Кейинги йилларда вилоятимиз бўйлаб бу соҳада кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Биргина Қарши шаҳрида республика кардиология ва эндокринология илмий-амалий марказларининг филиаллари ишлаётгани, минглаб беморлар дардига малҳам топаётгани ҳақиқат. Шахрисабз шаҳрида кўп тармоқли кардиожаррохлик ва диагностика маркази фаолият кўрсата бошлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 12 миллион доллардан ошиқ экан. Муҳими, бу ерда ҳар куни 20 та, йилига 4 мингтача мураккаб жаррохлик амалларини бажариш имконияти бор. Президентимиз шу янги шифо маскани билан танишган.

Очиғи, Президентимизнинг воҳага навбатдаги ташрифи давомида жойларда, Кўқдала туманида ўтказилган фаоллар ййгилишида белгилаб берган, аниқ бажариш муддатлари, маблағ манбалари кўрсатилган тараққиёт режалари шунчалар улканки, қашқадарёликлар ҳаётида яна кўп яхшиликларнинг пойдевори бўлиши муқаррар.

Улар эртанги кунимизга умид ва ишонч ҳиссини осмон қадар юксалтирувчи истиқбол режаларидир.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Янги дунё, журналистика ва миллий манфаат

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозирги даврда журналистика миссияси феномени рақамли технологиялар ва аудитория эҳтиёжларига мослашган ҳолда жадал ўзгариб бормоқда. Бундай жараён миллий журналистикамизга ҳам хос, албатта. Ахборот ва оммавий коммуникация агентлиги таҳлилига кўра, 2016–2024 йилларда Ўзбекистондаги ОАВлар сони 1514 тадан 2349 тага кўпайган. Айниқса, интернет нашрлари сезиларли ўсган. 8 йил давомида 6 та ахборот агентлиги ўз фаолиятини бошлаган. Фаол блогерлар сони 50 нафардан 1200 нафарга етган. Аммо бу давр ичида газеталар сони 15 фоизга, радио каналлар эса 25 фоизга камайган. Мазкур жараёни мутахассислар босма нашрларнинг ва радионинг рақобат муҳитига “чидай олмаётгани” билан боғлайдилар.

Ростан ҳам шундайми? Умуман, бугун миллий журналистикамизда биз илгари ва назаримиздан четда қолаётган яна қандай ўзгаришлар кузатишмоқда?

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун арафасида мавжуд анъанадан биров чекинган ҳолда соҳанинг кўзга кўринган вакиллариининг айни шу ракурсдаги фикр-муносабатлари билан қизиқдик.

БОСМА МАТБУОТ ТАРИХГА АЙЛАНГАНИ ЙЎҚ

Абу Бакр ҲОЗОВ,
“Янги Ўзбекистон” – “Правда Востока” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари:



– Охирги йилларда бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам анъанавий матбуот, газета ва журналларнинг жамиятдаги ўрни борасида турли қарашлар шаклланди. Гўёки босма матбуот замонавий рақамли ахборот воситалари — интернет ва

рақамли платформалар босими остида бутунлай йўқолиши аниқдек. Лекин бу қарашни бир ёқлама қабул қилиш ҳам тўғри эмас. Ҳақиқатан ҳам, бугун Телеграм-каналлар, веб-сайтлар, YouTube, Facebook, Instagram каби ижтимоий тармоқлар одамларнинг ахборот олиш тарзи, ахборот тезлиги ва истеъмолига катта таъсир қилмоқда. Бундай шароитда даврий нашрлар ўқувчилари сони қисқариб бориши табиий жараён.

Жаҳон ахборот бозорини татқиқ қиладиган WAN-IFRA (World Association of Newspapers and News Publishers) маълумотларига кўра, 2010 йилдан бери глобал газеталар наشري ва ўқувчилари сони сезиларли камайган. АҚШ, Япония, Франция, Германия каби давлатларда кўплаб йирик босма нашрлар ёпилган ёки рақамли форматга ўтган.

Ўзбекистонда эса охирги 5 йил ичида давлат ва хусусий газеталар сони қисқарган, айримлари фақат PDF ва веб-сайт форматида чиқишни бошлаган. Лекин бир қатор марказий нашрлар ҳамон ўз ўқувчисини сақлаб турибди.

Шу ўринда савол туғилади. Нега босма матбуот аҳамиятини йўқотмаяпти? Газеталар — тарихий ҳужжат. Улар орқали муайян давр руҳини, жамият кайфиятини аниқлаш мумкин. Масалан, 1930, 1941, 1991 йиллардаги газеталар бугун ҳам сақланмоқда ва тадқиқотларда фойдаланилмоқда. Олис кишлоқ ҳудудларида интернет қамрови тўлиқ бўлмаган ёки техник жиҳатдан муаммоли жойларда газеталар асосий муролаа манбаи. Қонун ва расмий ахборот функцияси юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, тендерлар, эълонлар ва давлат байрамлари муносабати билан расмий хабарлар босма нашрда чоп этилиши керак. Бунда газета юридик кучга эга ҳужжат вазифасини ўтайди. Газета ва журналлар “шошма-шошар” интернет наширдан фарқли ўлароқ, таҳлилда, ёндашувда тарози палласини босади.

Социологлар тадқиқотича, ижтимоий тармоқ ва сайтдаги ахборот 20-30 сонияда ўқилади ва тез унутилади. Газета ва журналда эса мақола 3-5 дақиқа чуқур ўқилади ва таҳлил қилинади.

Бугун медиа бозорида энг самарали йўл — гибрид медиа модели. Яъни, газеталар ўз веб-сайтлари, Telegram-каналлари, YouTube-блоглари орқали рақамли ахборот майдонида қатнашмоғи тўғри ечимдир. Ҳатто Жанубий Корея, Япония каби технологик ривожланган мамлакатларда ҳам катта газеталар босма нашрини тўхтатмаган. Чунки ҳали ҳам маълум аҳоли қатлами айнан қоғозда чоп этилган ахборотга ишонч билдиришни афзал кўради.

Босма матбуотнинг ҳозирги аҳволини “ўтмишга айланиш” деб эмас, формат ўзгариши деб қабул қилиш керак. У рақамли медиа билан биргаликда, маълум аудитория учун ишлаб чиқишда давом этади.

Этиборлиси, миллий матбуотимизда

давр нафасини ҳис қилиб, жамиятнинг долзарб масалаларини ҳаққоний, таҳлилий ёритиб бораётган, ўз ўқувчисини топа олган нашрлар ҳам, журналистлар ҳам бор. Шу ўринда мен шахсий кузатиш ва таҳлилларим асосида баъзиларини алоҳида тилга олган бўлар эдим.

“Янги Ўзбекистон” — сўнгги йилларда сиёсий-иқтисодий ислохотлар, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни таҳлилий ёритишда фаол. Газетада миллий қадриятлар ва янги давр талаби ўртасида мувозанат сақланаётганини эътироф этса бўлади. “Халқ сўзи” — парламент наشري бўлса-да, жонли ижтимоий мавзулар, тадбиркорлик, ёшлар сиёсати, кишлоқ ҳаёти каби мавзуларни сўнгги пайтларда яхши ёритиб келяпти. “Ўзбекистон овози” — оммабоп, халқ тилида гапирувчи, ҳаётий муаммоларни тўғридан-тўғри айтидиган газета. “Хуррият”, “Ишонч” газеталари эса жамоатчилик фикри билан ишлайдиган формат яратишнинг уддасидан чиқди.

Сўнгги йилларда тажрибали ва салоҳиятли журналистлар қаторига ёш, шижоатли ҳамкасбларимиз ҳам қўшилмоқдаки, улар колумнистик, фактчек, реал ҳаётий воқеа асосида (life story), кейси мақола (case-study), storytelling усулида ва ижтимоий эксперимент шаклида чиқишлар қилиб, газетхонлар эътиборига тушяпти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИНТЕРНЕТ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШМОҚДА

Мадамин САФАРОВ,
Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК) раиси ўринбосари:

–Рақамли платформалар, интернет, шубҳасиз, тележурналистикага ҳам сезиларли таъсир қилмоқда. Онлайн платформалар, масалан, Netflix, YouTube каби тизимлар фойдаланувчилар учун



жуда қўлай бўлиб, томошабинга ўзи истаган контентни ўзига ўнғай вақтда ва жойда кўриш имконини бермоқда. Ўз навбатида телевидение ҳам мавқеи ва ўрнини сақлаб қолиш учун янгича шароитларга мослашишга ҳаракат қилипти. Ўз дастурларини онлайн

платформада таклиф қилиш учун зарур форматларни ишлаб чиқиб, “яшаб қолиш” учун курашяпти. Натижада анъанавий телевидение ва онлайн платформалар параллель равишда фаолият кўрсатиб, телеаудиториянинг турли ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Бошқача айтганда, телевидение интернет билан интеграциялашмоқда.

Ҳозирда ана шу замонавий ривожланиш тенденциясига уйғун ҳолда Ўзбекистон МТРК тизимигадаги телерадиоканалларни ҳам интернетга самарали интеграция қилиш, телерадиодастурларни тарқатиш ва оммавийлигини оширишда ОТТ (Over the Top – телеканалларни интернет орқали бутун дунёда онлайн кўриш имкониятини берувчи хизмат) платформаси ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан унумли фойдаланиб, телеаудиторияни нафақат сақлаб қолиш, балки янада кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. “UzTV” ОТТ платформасининг миллий ахборот макони ва интернет жаҳон ахборот тармоғида узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш бўйича технология ҳамда дастурий таъминот ажратилиб, “UzTV” ОТТ платформаси ребрендинг қилинди.

Кези келганда таъкидлаш керакки, республикамиз бўйлаб шу йилнинг май-июнь ойларида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари аҳолимиз учун ҳамон телевидение муҳим ахборот воситаси эканини кўрсатди. Мазкур тадқиқотда иштирок этганларнинг 48 фоизи айнан телевидениени энг асосий ахборот манбаи, деб белгиллаган. Айни пайтда бу сўров интернет ва ижтимоий тармоқларнинг роли ҳамда қамрови кун сайин ошиб бораётганини ҳам тасдиқлади.

Ёдингизда бўлса, 1979 йилда суратга олинган “Москва кўз ёшларга ишонмайди” фильми қаҳрамонларидан бирининг “Бориб-бориб телевидение ҳаммасини остин-устун қилади. Ҳеч нарса бўлмайди: на кино, на театр, на китоб, на газета, фақат телевидение бўлади”, деган “башорати” яқин-яқингача актуал эди. Бугун эса ҳаммаси ўзгармоқда.

Шу билан бирга ҳеч иккиланмай айта оламнки, телевидение, эҳтимол, ўз дастурларини томошабинга етказиш усуллари ва форматларини янгилаши мумкин, лекин жамиятда катта тарғибот, санъат, интеллектуал ривожланиш, маданий ҳордиқ воситаси сифатида нуфузини сақлаб қолади.

Ўтган даврда мамлакатимизда телерадиоэшиттириш соҳасини ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига ҳолис, тезкор ахборот етказиш, уларни юртимиз ва хорижда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор қилиш ҳамда Янги Ўзбекистонда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Ахборот маконида кўрсатув ва эшиттиришларнинг профессионал даражаси, ғоявий-бадий савияси ва сифати кучли рақобатга жавоб бера олмай қолган давр ҳам кузатилди. Илмий-оммабоп, маданий-маърифий, спорт, муסיқий-кўнгилочор, шунингдек, ёшлар ва болалар аудиторияси учун



ЖУРНАЛИСТИКА МОДАДАН, ТУРЛИ АЛГОРИТМЛАРДАН, ТРЕНДДАН УСТУН БЎЛИШИ КЕРАК. БУ КАСБ НАФАҚАТ ТИЛ, БАЛКИ ВИЖДОН БИЛАН ҲАМ БОҒЛИҚ СОҲА. ЯНГИ АВЛОДНИ ЕТАКЧИГА АЙЛАНТИРАДИГАН НАРСА – БУ ФАҚАТ ТЕХНОЛОГИЯ ЭМАС, БАЛКИ АСОСИЙ ҚАДРИЯТЛАР: ХОЛИСЛИК, МАСЪУЛИЯТ, ПРОФЕССИОНАЛ ЭТИКА ВА ТИЛДАГИ МАФТУНКОРЛИҚДИР.

мўлжалланган юқори сифатли миллий контент яратиш соҳага креатив ва янгича ёндашувларни жорий қилишни тақозо этар эди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида бошқарувнинг замонавий менежмент ва маркетинг усуллари фаол жорий қилинмагани ривожланишга тўғаноқ бўлаётганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили 19 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг мамлакатимиз медиамақонидagi ўрнини янада ошириш ҳамда фаолиятига замонавий ёндашувларни жорий этиш тўғрисида”ги Фармони телерадио соҳасида янги даврни бошлаб берди.

Ўзбек миллий телевидениеси учун тарихий аҳамиятга эга мазкур Фармон босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унинг тўлиқ амалий исботини топиши нафақат миллий медиамақонда, балки халқаро майдонда ҳам рақобатдош бўлган Миллий телерадиокомпанияни шакллантиради.

Бу эса Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни мамлакатимизда ва халқаро майдонда янада тасвирчан тарғиб қилиш, халқимизни яқдилликда янги марралар сари ундаш, танқидий-таҳлилий материаллар салмоғини ошириш орқали жойларда одамларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиш имкониятларини кенгайтиради.

МАСЪУЛИЯТ, БАҒРИКЕНГЛИК ВА АХЛОҚИЙ ИМТИҲОН

Ақбар НУРМАТОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети “ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент:



–Ҳар бир даврнинг муҳим хусусиятларини ўзига қамраб олувчи тушунчалар ва мавзулар бўлади. Шу нуқтаи назардан олганда миллий журналистикамизда авлодлар алмашинуви ҳам табиий жараён ҳисобланади. Бу ерда мен биргина ёшларнинг катталар ўрнини эгаллашини

айтаётганим йўқ, балки замонавий медидада янги технологиялар, тафаккур ва масъулиятдаги трансформациялашув жараёнларини ҳам назарда тутяпман.

Янги авлод журналистлари ҳақида сўз борганда, биринчи бўлиб кўз олдимга технологик саводли, рақамли муҳитда эркин ҳаракатланувчи, сунъий интеллект ва мультимедия платформаларини ўзлаштирган ёш кадрлар келади. Тўғри, бугун биз бутун дунё бир-бирига ўзаро боғланган бир даврда яшаямиз. Дунёнинг бир бурчагида содир бўлган воқеа бошқа минтақага шиддат билан тарқалади ва таъсир қилади. Бундай ахборот “чангалзор”ида яшаш, тўғри ёки ҳолис ахборотни олиш жуда мураккаб. Космик тезлик замонида ОАВ шакл орқасидан қувиб, қайсидир маънода мазмунни унутиб қўяётган ҳолатлар бор.

Журналистика — бу фақат касб эмас, балки масъулият, бағрикенглик ва ахлоқий имтиҳон ҳам ҳисобланади. Бу соҳага кирган одам олдида доим бир савол туради: “Мен кимнинг сўзини гапиряпман? Халқнингми, ҳақиқатнингми ёки фақат ўз аудиториямининг қўшимча лайклари учунми?”

Бугун журналистикада янги авлод пайдо бўлди. Ёшлар интерактив, чаққон, мобиль. Ижтимоий тармоқлар уларнинг майдони, Instagram — минбари, YouTube — эфир студияси. Уларга на қоғоз керак, на диктофон. Смартфон — ҳам восита, балки манба, ҳам матн, ҳам эфир ускунаси. Мана сизга конвергент журналист. Лекин бир савол бор: ушбу шиддатли тезкорлик ортидан нимани қолдирмоқда? Менимча, журналистикада “тезкор хабар” билан “теран таҳлил” ни алмаштириб қўйишди. Ёшлар воқеа ҳақида ёзади (тўғрироғи, хайп қилишди), лекин воқеанинг замири, сабаби, оқибати ҳақида гапиршига шошилмайди. Ахборот бор, аммо у ҳали билим дегани эмас. Тарғибот бор, лекин асосий ғоя йўқ. Ҳақиқий журналист “Ким биринчи ёзди?” деб эмас, “Ким ҳолис ва масъулият билан ёзди?” деган саволга жавоб бериши керак. Бир пайтлар мақола ўқиб инсон ўйга толарди, ҳозирги мақолалар эса кўпинча лайк олиш учун ёзилади. Бу тенденция хавотирли. Ва журналист кадрларни тайёрлаш масаласида янги ёндашувларни тақозо этмоқда.

Университетимизда назарий ва амалий фанлар нисбати 40/60 га етди. Яъни, 60 фоиз фанлар миқдори амалий машғулотлардан иборат бўлди. Лекин малакали, рақобатдош журналист кадрларни тайёрлашда фақатгина университет таълими етарли эмас. Бу борада талабалар амалиётга бораётган турли таҳририятларнинг иштироки ўта муҳим ҳисобланади. Талаба журналист биринчи кўнимка ва малакани амалиёт жараёнида, айнан таҳририятда шакллантиради. У таҳририятдаги устознинг танқидидан, таҳрирчиларнинг ёзган мақоласидаги мазмунсиз сатрларни аёвсиз ўчириб ташлаганларидан сабоқ ола бошлайди. Бугунги тезкор медиа майдонида энг керакли нарса — чидам, савод, кенг дунёқараш, сўзга эҳтиром. Тил маданияти – бу шунчаки имло эмас, бу халқнинг тафаккурини шакллантириш, маълумотни нафосат билан етказиш санъати ҳамдир. Буни эса қолиплар ёки шаблон ўргатмайди, бу устоздан шогирдга ўтади. Журналистикада меҳнат ва тарбиянинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Журналистика модадан, турли алгоритмлардан, тренддан устун бўлиши керак. Бу касб нафақат тил, балки виждон билан ҳам боғлиқ соҳа. Янги авлодни етакчиға айлантирадиган нарса – бу фақат технология эмас, балки асосий қадриятлар: холислик, масъулият, профессионал этика ва тилдаги мафтункорлиқдир. Биз, устозлар, уларга нафақат билим, балки йўналиш ва илҳом беришга масъулмиз.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

30 ИЮНЬ –ЁШЛАР КУНИ

ФОРУМ ҚАНДАЙ ЎТДИ?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шоҳрух ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши раиси, Олий
Мажлис Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар парламенти
раиси ўринбосари:
— Бу галги тадбиримиз тарихий шаҳар – Қўқонда бўлди. Унда нафақат ёшлар, балки бутун жамият келажаги ҳақида сўз юритилди. Мақсад форумни шунчаки йиғилиш эмас сўз, фикр ва ҳаракат майдонига айлантиришдан иборат эди. Тадбирда ёшлар ўз муаммоларини ўзи айтди, ечимини ўзи таклиф қилди ва энг муҳими, ишонч билдирилган ёшлар қандай жавобгарлик билан иш юритиши мумкинлигини амалда кўрсатди. Шу билан бирга, бир-биримизни тингладик, англашга ҳаракат қилдик ва ҳамкорликни ўша ернинг ўзидаёқ бошладик. Форум доирасида билдириладиган ҳар бир таклиф, савол, ташаббус албатта қайд этилиб, амалий ҳаракатга айлантириладиган бўлди.

Ёшлар форуми доирасида миллий парламентимиз сессияси ўтказилди — бу ёшлар ўртасидаги интерактив тадбир бўлди. Унда ёшлар депутат, спикер, қўмита аъзоси каби турли ролларни бажарди. Бу орқали қонун ижодкорлиги, сиёсий музокаралар, норма қабул қилиш жараёнини амалий ўрганиш, муҳокама маданияти ва фикр алмашиш кўникмасини шакллантиришга қўмаклашилди.

Шу билан бирга, улар қонун лойиҳасини тайёрлаш, таклифлар киритиш, овоз бериш каби жараёнларни ўз кўзи билан кўриб, бевосита иштирок этди. Қолаверса, бу орқали сиёсий жараёнларда ёшларнинг овози ва улар фаол фуқаролик позициясига эгалиги



намоён бўлди. Ёшлар форуми доирасидаги парламент сессиялари — бу шунчаки ўйин эмас, балки келажак етакчиларини шакллантирадиган мактаб вазифасини ўтади, деб айта оламан. Хусусан, ёшларда сиёсий фикрлаш, ҳуқуқий билим ва ватанпарварлик ҳиссини ўйготди. Ушбу форматни тизимли равишда жорий этиш орқали Ўзбекистон ёшлари янги авлод сиёсатчилари сифатида шаклланиши мумкинлигига гувоҳи бўлдик. Ўйлайманки, бу каби форумлар ёшлар ва давлат ўртасидаги мулоқот кўпригини мустаҳкамлаб, ҳақиқий ижтимоий диалог,

сиёсий етуқлик ва фуқаролик жавобгарликни оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, ёшлар ўз сўзининг, ташаббусининг қадрини ҳис эта бошлайди. **Мўҳсиддин НИЗОМИДДИНОВ,**
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши бўлим бошлиғи:
— Бугунги глобаллашув ва сиёсий жараёнлар жадал суръатда кечаётган даврда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини ошириш, уларни давлат бошқарувига тайёрлаш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди. Партиямиз Марказий



Кенгаши ҳамда Фарғона вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган форумда ҳам айнаи мақсадлар жамланган эди. Форумда ёшлар парламент модели орқали қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш тажрибасини синаб кўришди. Улар томонидан илгари сурилган — грант ва имтиёзларнинг адолатли тақсимланиши, фриланс ҳамда рақамли меҳнат йўналишларини тартибга солишга доир таклифлар — уларнинг замонавий муаммоларга лоқайд эмаслигини кўрсатди. Бу жараён, айникса, ёшларда ташаббускорлик ва фуқаролик фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Форум доирасида Ёшлар парламенти аъзолари билан учрашув, Қўқон ва Марғилон шаҳар ҳокимлари билан очик мулоқотлар, шунингдек, тарихий обидаларга саёҳатлар орқали иштирокчилар маданий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Мазкур ташаббус ёшлар билан ишлашда янги босқич — уларни фақат тинглаш эмас, балки қарорлар қабул қилишга жалб этиш босқичи бошланганини кўрсатмоқда. Шу боис бу каби форумлар давомли, тизимли ва барча ҳудудлар миқёсида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ёшлар парламентининг республикадаги фаол аъзолари фарғоналик ёшлар билан юзма-юз мулоқот олиб борди. Улар орасидан илғор ғоялар ва муҳим ташаббусларни илгари сурган иштирокчилар ажралиб чиқди. Бу ҳолат нафақат ёшлар ўртасидаги тажриба алмашинувига, балки уларнинг тармоқда бир-бирини қўллаб-қувватлашига ҳам хизмат қилади. Энг муҳим жиҳати шундаки, ушбу форум — Фарғонада ёшлар сиёсатини амалда қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намунаси бўлди. Бу каби анжуманлар ёшларга ишонч билдириш, уларнинг овозини эшитиш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш йўлида самарали платформа сифатида хизмат қилади. Бир неча кун давом этган йирик тадбир 10 га яқин манзилда, маҳаллий ёшларни жалб қилган ҳолда ташкиллаштирилди. Жумладан, форум иштирокчилари Марғилон шаҳридаги “Пири Сиддик” мажмуаси ҳамда шаҳардаги реновация дастури асосидаги кўп қаватли уйлар лойиҳалари билан таништирилди. Ёшлар — юрт тафти, келажак сиймоси. “Фарғона ёшларининг парламентдаги овози” шиори остида ўтказилган ушбу форум, аввало, ёш авлоднинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ташаббуслари, фикр ва ғояларини эшитиш, қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

БИЗ КЕЛАЖАКНИ КУТМАЙМИЗ, УНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАМИЗ!

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Гавҳар ҚАРШИЕВА,
Тошкент менежмент ва иқтисодий
институти талабаси:

— Аслида ҳаёт ҳақида фикр юритиш учун у қадар кўп тажрибага эга эмасман. Сабаби, катта ҳаёт остонасига эндигина қадам қўйган ёшлардан бириман. Шунга қарамай, энг юксак орзуларимни Ватанимга содик хизмат қилиш ва инсонларга яхшилиқ улашишдек мақсадлар асосида шакллантирганман. Ҳар бир инсон ҳаёт йўлини белгиларкан, у аввало юрагидаги орзу ва интилишларига таянади. Мен учун ҳақиқий шараф — билимим, кучим ва фидойилигим билан юртим равнақи учун хизмат қилиш, халқим фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишдир. Асосийси, истакларимизни амалга ошириш учун барча шароитлар бор. Ўқимоқчи бўлганлар учун турли йўналишлар, илм йўлини танлаган опа-сингилларимизга кўплаб имтиёзлар яратилган. Аёлларнинг билимли бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Кўплаб халқаро тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатадики, аёллар таълим олган мамлакатларда ижтимоий барқарорлик юқори, иқтисодий ривожланиш тез, фарзандлар саломатлиги ва тарбияси анча мустаҳкам бўлади. Шунинг учун қиз фарзандни касб-ҳунарли қилиш тўғри ва узоқни кўзлаган қарор ҳисобланади. Биздан талаб қилинадигани эса масъулият ва ташаббускорликдир. Айникса, ёшларга, кам таъминланган қатлам вакилларига, эҳтиёжманд инсонларга ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш йўлида кучимни аямаган бўлардим. Чунки Ватанга хизмат қилиш — бу фақат ҳарбий хизмат ёки сиёсий фаолият эмас, балки ҳар бир соҳада ҳалол меҳнат қилиш, атрофдагиларга яхшилиқ улашиш, меҳр-оқибат ва юрт тинчлигига ҳисса қўшиш демакдир. Бунинг учун ҳаракатларимни анча олдин бошлаганман. Ютуқларим ҳам оз эмас. Муҳими, улар берган эътироф ёки турли совринлар эмас, ташаббусларим одамларга, атрофдаги ёшларга қанчалар фойда келтираётгани мен учун энг катта ва бебаҳо ютуқдир. Мисол учун, 2021 йилда Тошкент вилоятидаги 22 та туман ва шаҳарларда жамоатчилик асосида “Маҳалла – матбуот хизмати”ни йўлга қўйдим. Бунда менга бир гуруҳ кўнгилли ёшлар дастак берди, қўллаб қувватлади. Натижада кўмакка муҳтож хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг овози бўлиш имкони юзага келди. Ҳатто бир қанча зўравонликка учраган аёлларни аниқлаб, уларга хотин-қизлар қўмитаси орқали қонуний тартибда кўмак беришга эришдик. Булар ҳали илк қадамлар, холос.

Чунки нафас олар эканмиз, барча нарсга эришишимиз ва янги имкониятлар яратишимиз мумкин. Ҳар бир янги тонг, янги кун бу янги имконият деганидир.

Шаҳзодбек ЕТМИШБОВЕ,
Рақамли технологиялар ва сунъий
интеллектни ривожлантириш
илмий-тадқиқот институти бўлим
бошлиғи:

— Ҳаётимда доимий изланиш, технологик инновациялар ва жамиятга фойдали бўлиш ғоялари марказда бўлган. Орзуларим аниқ, яъни, Ўзбекистонни сунъий интеллект соҳасида нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон миқёсида илгор давлатлардан бирига айлантиришга ҳисса қўшиш. Бунинг учун ҳозирги кунда Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида АКТ стартапларини қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритмоқдаман. Шу билан бирга, “Смарт маҳалла”, “Киберхавфсизлик виртуал лабараторияси”, “Disabled people” каби жамиятга фойдалоғчи технологик лойиҳалар муаллифиман. Уларнинг баъзилари Адлия вазирлигида интеллектуал мулк сифатида рўйхатга олинган.

Бугун технологиялар нафақат иш жараёнларини автоматлаштирмоқда, балки фикрлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш услубимизни ҳам ўзгартирмоқда. Айнан сунъий интеллект — бу келажак эмас, балки ҳозирги замоннинг ўзи. Бу борада халқаро тажриба тўплаш учун Сингапурда “Digital Economy, E-commerce and Artificial Intelligence” халқаро курсида қатнашдим, халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилдим, телевидение ва радиоларда сунъий интеллект мавзусида чиқишлар қилдим.

Орзуим — юртимиз ёшлари глобал технологик жараёнлар марказида бўлиши, уларнинг ҳар бири ўз гоёси билан стартап очиши ва уни экспорт қилувчи брендга айлантира олиши. Айнан шу йўналишда ёшларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларга менторлик қилиш, халқаро грантлар ва инвестициялар жалб этишга хизмат қилувчи муҳит яратиш — менинг кун тартибимдаги устувор вазифалардан биридир.

10 йилдан сўнг ўзимни Ўзбекистоннинг сунъий интеллект ва рақамли инновациялар бўйича стратегик марказларидан бирини бошқараётган, йирик технологик стартаплар асосчиси сифатида тасаввур қиламан. Бу давр мобайнида мамлакатимизда юзлаб ёшларнинг стартап ғояларини муваффақиятли бизнес лойиҳаларга айлантиришга ҳисса қўшган, сунъий интеллект соҳасида халқаро патент ва ихтиролар муаллифлигига эришган бўламан. Шунингдек, ўша вақтга келиб, “Смарт маҳалла” каби ижтимоий лойиҳаларни нафақат Ўзбекистон, балки бошқа

ривожланаётган давлатларда ҳам татбиқ этиш орқали глобал миқёсда жамиятга фойда етказадиган технологиялар экотизимини яратиш орзуимга эришишни истайман. Зеро, ҳаётимдаги ютуқлар — бу фақатгина мукофотлар эмас, балки орзулар, интилишлар ва фидокорлик билан босилган йўлнинг натижасидир. Сўнгги йилларда илм-фан, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, ёшлар стартапларини ривожлантириш каби соҳаларда ўнлаб лойиҳаларни амалга оширишга эришдим. Шулар жумласидан “Смарт маҳалла” тизими ҳозирги кунда 350 мингдан ортиқ фойдаланувчига эга ва у жамиятда инновацион ўзгаришларга туртки бўлаёпти. Бироқ ҳар бир муваффақият йўлида бой берилган имкониятлар ҳам бўлган. Вақт, энергия, танлов ва қарорлар орасида имкониятларни бой берган ҳолатларим бўлган. Аммо йўқотишларни сабоқ, деб қабул қиламан. Чунки ҳар бир муваффақиятсизлик кейинги маррага янада пухта тайёргарлик билан чиқиш учун сабр, тафаккур ва масъулиятни оширади. Ишонаманки, орзулар амалга ошиши учун улар устида тинимсиз меҳнат, замонавий билим ва жамоавий ёндашув керак. Биз шу йўлдамиз — келажакни кутмаяпмиз, уни ўзимиз яратмоқдамиз.

Маржона ҚИЁМОВА,
Тошкент ДТУ ходими:

— Ҳозирги кунда ўз устида мунтазам ишлайдиган, билим олишга қанқоқ ёш сифатида ҳаёт йўлини шакллантириб боряпман. Ўзим танлаган биотиббиёт муҳандислиги соҳасида етуқ мутахассис бўлиб, Ватанимга фойда келтириш — асосий орзуим. Бундан ташқари, халқаро миқёсда билим ва тажриба орттириб, замонавий билимларни юртимизда жорий этишга ҳисса қўшишни мақсад қилганман. Илм, меҳнат ва сабр — менинг ҳаётдаги устун тамойилларимдир. Мақсадларим сари ҳаракат қилар эканман, менга янги куч ва рағбат берадиган ҳодисалар олдинга интилишга даъват қилаверади. Масалан, 2022 йилда Германия давлати томонидан ташкил қилинган халқаро танловда ғолиб бўлиб, айнан шу муваффақият сабаб Германия элчихонаси билан 9000 евро грант миқдорига шартнома имзоланди. Ушбу маблағ эвазига “Кумушқон кутубхонаси”ни ташкил қилдим. Бугунги кунда мазкур кутубхона 3500 нафар қишлоқ аҳолиси, 1000 дан ортиқ ёшлар учун илм-маърифат масканига айланган. Ҳар бир ёш, жинсидан, яшаш жойидан ёки оилавий шароитидан қатъи назар, сифатли таълим олиш ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконига эга бўлиши керак. Айнан тенг имкониятларгина ёшлар ичидан етуқ иқтидорлар юзага чиқиши ва жамият тезроқ ривожланишига хизмат қилади. Бу нафақат адолатли, балки барқарор

тараққиёт учун ҳам зарур ўзгаришдир. Юртимизда эса бунинг барча шароитлар бор.

Абдулазизбек ЎТКИРОВ,
Абу Али ибн Сино номидаги
ихтисослаштирилган мактаб
директори ўринбосари:

— Мен Янги Ўзбекистоннинг имкониятларидан фойдаланиб, ўз орзуларини рўёбга чиқараётган ёшлардан бириман. Таълим соҳасида ўз устимда ишлаб, магистр даражасини ҳам олдим. Энди эса олган билимларимни амалиётда қўллаш, юртимга фойда келтириш ва жамиятда ижобий ўзгаришлар бўлаётган даврда иштирок этишни мақсад қилганман. Ёш бўлишимга қарамай, раҳбар кадрлар орасидан жой олдим ва берилган ишончдан фойдаланиб мақсадларимга бирма-бир эришиб келмоқдаман. Таълимни ҳаётимдаги энг муҳим қадрият деб биламан, чунки айнан таълим орқали инсон нафақат ўз ҳаётини, балки бутун жамиятни ўзгартириши мумкин. Юртимизда инновацион ғоялар ва замонавий технологиялар асосида ишлайдиган муҳитни шакллантиришга ҳисса қўшишни истайман. Ёшлар илм-фан, тадқиқотлар ва янги ғоялар орқали ривожланишига ишонаман ва бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишни ният қилганман. Зотан, Ўзбекистоннинг илм-маърифат йўлида курашган ҳади́д боболаримиз — Маҳмудхўжа Бехбудий, Исмоил Гаспринский, Абдулла Авлонийлар ўз асарларида таълимнинг нақадар муҳим эканини бот-бот ўқтиришган. Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний эса қиз болаларнинг билимли бўлиши ҳақида кўюний ёзган. “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”, дея таъкидлаган. Афсуски, айрим ижтимоий қатламларда ҳали-ҳануз қиз бола ўқиши шарт эмас, деган хурофот ҳукм сурмоқда. Аммо ҳақиқат бошқача: ўқимаган она — жамиятни зулматда ушлаб турувчи омилдир. Дарҳақиқат, қиз болага берилган таълим — бу индивидуал инвестиция эмас, бу миллатни уйғотиш, жамиятни тиклаш, келажакни соғломлаштиришдир. Ўқиган қиз соғлом авлоднинг қафолати, онгли жамиятнинг негизи, тенг ҳуқуқли ва фаол фуқаролик жамиятининг пойдеворидир. Шунинг учун агар таълимга фақат битта йўлланма бўлса, мен уни қиз фарзандимга бераман. Чунки у ўқиса, оила ўзгаради, маҳалла уйғонади, жамият юксалади. Мақсадларим кўп. Умид қиламинки, ҳаёт уларнинг ҳаммасига эришиш учун менга вақт ва имкон беради. Агар биз ёшлар ўз устимизда ишлаб билимли, фидокор ва ватанпарвар бўлсак — Ўзбекистон келажаги ёрқин бўлади. Шу сабабли, ҳеч қачон тўхтамайман — ўрганаман, ривожланаман ва ҳар доим ўз юртим учун хизмат қилишга тайёрман. Асосийси, ютуқларим фақат ўзим учун эмас, бошқаларга илҳом бериш, тажриба улашиш ва жамиятга фойдали бўлиш йўлида бор билимимни ишга солишга ҳаракат қиламан. Чунки ҳақиқий ютуқ — бир кишига эмас, ҳаммага манфаатли бўлганида тотлироқдир.

Зилола АНВАР қизи
суҳбатлашди.

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

РЕЖАДА БОР, АМАЛДА-ЧИ?

Бир маррани забт этиш ёки бирор чўққига чиқишни мақсад қилдингиз. Қачон, ким, қаерда қандай вазифани бажариши кераклиги аниқ белгиланган манзилга элтувчи харита бўлса, мақсад яқин, мушкул осон бўлади. Асосийси, режаларингиз кўнгилдагидек амалга ошади.

Халқ демократик партиясининг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини ҳам шундай харитага қиёслаш мумкин. Яна бир бор ёдга олсак. Ҳаракат дастурида 10 та йўналиш, 15 қадам ва 122 банддан иборат вазифалар белгиланган.



Дастурда 2 та янги кодекс, 10 та янги қонун ташаббуси билан чиқиш, 10 та кодекс ва 50 га яқин қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, 20 та норматив ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назорати олиб бориш тартибидagi фаолиятни йўлга қўйиш каби мақсадлар белгиланган.

Булар шунчаки рақамлар эмас. Уларнинг ортида минглаб, миллионлаб инсонлар манфаати, қанчадан-қанча ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига дахлдор масалалар турибди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали фаолларимиз, депутатларимиз ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Сайловчилар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлиб елкама-елка турибди.

Бу бежиз эмас, албатта. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиниши, уларни ўйлантираётган масалалар кўлами айнан маҳаллада яққол кўринади. Амалга оширилаётган ислохотлар шамоли хонадонларда эсмаса, унда мамлакат тараққиёти ҳақида ўйлаш, ривожланишдан гапириш ноўрин бўлади. Қонунлар, қарор, дастурлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижросини оилалар, хонадонлар, умуман олганда, ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида сезиши зарур.

Бир қатор масалалар қай даражада самарали ҳал этилиши халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти, вакиллик ҳокимиятининг ўзгаришига, уларнинг ўз ишига жон-жаҳди билан киришишига ҳам боғлиқ. Хўш, жойларда Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш бўйича қандай ишлар олиб бориляпти? Амалий ишлардан қувонсак бўладими?

Халқ демократик партияси фаоллари, депутатларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

МУҲИМ ҚАДАМ

Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:



– Ҳаракат дастури партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдига долзарб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифа ва устувор мақсадларни кўймоқда. Ушбу вазифаларга дастурий мақсадларимизнинг ҳамоҳанглиги мамлакат тараққиётининг янги босқичида партия зиммасига нафақат ислохотларни кенг ижтимоий-сиёсий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, балки уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш

вазифасини юклайди.

Шундан келиб чиқиб, ижтимоий лойиҳалар асосида одамлар орасига кириб боряпмиз, уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим излаяпмиз. Хусусан, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун маҳаллада бир турдаги ихтисослашувда фаолият юритаётган аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Айтиш керакки, Ҳаракат дастури ижроси бўйича ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ барча энг муҳим масалалар ҳудудий Кенгашларда муҳокама қилинмоқда. Депутатлар қарорлар қабул қилинишида бевосита иштирок этмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда парламент ва депутатлик назорати тизимли йўлга қўйилган. Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, кейинги пайтларда мамлакатимизда ислохотларнинг марказий нуқтасига чиқаётган муҳим соҳаларда депутатлик назорати олиб боришмоқда ва улар сессиялар кун тартибига киритилмоқда.

Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ҳаракат дастури ижроси бўйича 511 та масала партия гуруҳларида муҳокама қилинди. 389 та масала доимий комиссия йиғилишига ва 345 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилиб, партия электорати манфаатларига доир тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорликда жойларда мунтазам равишда тадбир, семинар ва сайёр қабуллар ўтказмоқда. “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш асосида доимий равишда мониторинг ишлари олиб бориляпти. Масалан, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш шунингдек, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатлари ҳамда одамларнинг даромадли меҳнатга бўлган интилишлари ва эҳтиёжлари мунтазам таҳлил қилиниб, 389 мартаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитишга эришилди.

Ушбу миқдорий кўрсаткичлар маҳаллий партия ташкилотлари ва жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаоллиги сезиларли ошганидан далолат бермоқда. Айниқса, халқ билан мулоқотга йўналтирилган ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда бунга яққол кўриш мумкин.

Одамлар орасига кирмасдан, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юрмасдан туриб, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиб бўлмайди.

Фаолиятимиз самараси ҳам шунда, деб ўйлайман. Чунки одамларнинг мушкулини осон қилувчи таклифлар, масалаларни кўтарганимизда, уларга фойдамиз тегади. Сайловчиларга, электоратга яқинлашиб, улар

билан юзма-юз суҳбатлашиб, қайси тизим, қайси соҳа яхши ишламаётгани, аҳоли нималардан норози эканини кўпроқ уларнинг ўзидан эшитамиз.

Бу яхши тизим албатта. Чунки жойлардаги партиямиз ташкилотлари, депутатларимиз ҳудудлардаги ҳақиқий вазиятни билишади, ҳар бир тизимнинг, соҳанинг юрак уришини аниқ-равшан ҳис қилишади.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА НИМА ГАП?

Исломбек ҚОДИРОВ, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши бўлим бошлиғи:



– Ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, кейинги вақтларда маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бера бошлади. Бу давлат бошқарувини қўйи бўғинга тушириш, уларни аҳолига яқинлаштиришга хизмат қияпти.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари Ҳаракат дастури асосида аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларни ташвишга солаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига кўмаклашиш билан бирга, қатъий ва изчил депутатлик назоратини олиб бориш, мурожаатлар билан ишлашга жиддий эътибор беришмоқда. Кенгашлар уйғоқ экан, ҳудудлар ривожланади, депутатлар фаол экан, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ҳаётий ечим топилади.

Биз халқимизга эълон қилган Сайловолди дастуриимизни 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига айлантириб, вилоятимиз бўйича шу йилнинг ўзида долзарб ҳисобланган 80 та масалани сессияларда муҳокама қилишни режалаштирганмиз. Хусусан, унда камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-жой шароитларини, шунингек, инклюзив таълим шарт-шароитларини яхшилаш каби масалалар ўрин олган.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида партияимизнинг 115 нафар депутати бор. Вилоятимизда ХДПнинг 19 та депутатлик гуруҳи тузилди. Бу катта куч, дегани.

Жойлардаги кўплаб масалалар қай даражада самарали ҳал этилиши, вакиллик ҳокимиятининг ўзгариши юрағида ўти бор депутатлар кўпайишига ҳам боғлиқ.

Шу маънода барча депутатлар бир ёқадан бош чиқариб, елкама-елка туриб, ҳудудларда бўлаётган жараёнларга, олиб борилаётган ислохотларга бефарқ бўлмасдан фаолият юритяпмиз. Шаҳар ва қишлоқлар тараққиётига хизмат қиладиган режа ва дастурларни белгилаб олганмиз.

Очигини айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашган. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Янги сайланган депутатларни ўқитиш ишлари ҳам тизимли равишда ташкил этилган. Улар ўз салоҳиятини, билимини амалда кўрсата оляпти.

Масалан, депутатларимиз Ҳаракат дастури асосида жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 29 та масалани сессиялар муҳокамасига киритишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг амалий Ҳаракат дастури ҳудудлар кесимида таҳлил этилганда Фарғона, Марғилон шахри, Тошлоқ тумани Кенгашлари партия гуруҳлари самарали ва тизимли иш олиб боришганини таъкидлаш жоиз.

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:



– Партияимизнинг амалий Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда Тошкент вилоят партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Дастурда бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, қурилиш, уй-жой, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва жойларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалаларига оид 12 та масала қамраб олинди.

Амалий Ҳаракат дастуридаги йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, фармон ва қарорларнинг ижроси жамоатчилик ва депутатлик назорати сифатида ўрганилди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 57 та масала партия гуруҳлари, 30 та масала доимий комиссия йиғилишига ва 13 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилиб, партия электорати манфаатларига доир тегишли қарорлар қабул

қилинишига эришилди.

Шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 73 та депутатлик сўрови юборилиб, шундан 23 таси ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, 42 мартаба жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси амалий Ҳаракат дастури ижроси туманлар кесимида таҳлил этилганда Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Бўстонлик туманлари ҳамда Оҳангарон, Бекобод шаҳар Кенгашлари партия гуруҳлари самарали ва тизимли иш олиб бораётгани яққол кўзга ташланади.

Ҳаракат дастури асосида сессияларда, доимий комиссияларда масалалар муҳокама этилгани яхши, албатта. Чунки белгиланган режа асосида ҳудудлардаги муаммолар чўқур ўрганилади, таҳлил этилади. Қолаверса, йўл қўйилган камчиликларга мутасаддиларнинг эътибори қаратилади. Аммо бу биринчи босқичдаги жараёнлар.

Мухими, сессия қарорлари ижроси назорати қандай бўлади, белгиланган чора-тадбирлар тўлиқ амалга ошириладими? Камчиликлар таҳлил этилган ҳолда қоғозларда қолиб кетавериши керак эмас. Кўрилиб бартараф этиш чоралари кўрилиши, натижа бўлиши зарур. Хўш, биз натижаларни қандай аниқлаймиз? Жойларда ўтказиладиган партия фаоллари, депутатлар иштирокидаги учрашувлар, мулоқотлар жараёнида аҳолининг фикрлари, мурожаатлари ўрганилади. Кўрилган масалалар бўйича қайта таҳлил олиб борилади, сусткашликка йўл қўйилаётган масалалар ижроси жадаллаштирилади.

Умуман олганда, Ҳаракат дастури шунчаки ҳужжат эмас, бу биз учун энг керакли қўлланмадир. Унутмайликки, унинг ижросини таъминлаш партияимизнинг жамиятдаги таъсир кучини оширишга, одамлар оғирини енгиллаштиришга хизмат қилади

Партия фаолларининг айтишича, Ҳаракат дастури асосида, қонун нормаларининг халқчиллигини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаларини “тўқсан – вилоят – марказ” тизими асосида партия қўйи бўғинларида ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларида муҳокама қилиш, уларнинг таклифларини олиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Масалан, Навоий ва Хоразм вилоятларида “Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатнома беришга беш йил муддатга мораторий эълон қилиш”, Сўрхондарё ва Қашқадарё вилоятларида “Мактаб ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кўпайтириш”, Тошкент шаҳар, Фарғона ва Тошкент вилоят Кенгашларидаги депутатлар томонидан “Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз дори-дармон билан таъминлаш мақсадида дори воситаларининг рекламасини тақиқлаш” масалалари юзасидан ўрганишлар олиб борилиб, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Қолаверса, фракция томонидан партия билан ҳамкорликда 20 га яқин қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси ташкил этилди. Уларда партия фаоллари ва кенг жамоатчилик томонидан билдирилган 100 дан ортиқ таклифлар қонунларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш учун фракцияга юборилди.

Фикрлардан, рақамлардан кўриниб турибдики, партия ташкилотлари ва депутатлар Ҳаракат дастури ижросига жиддий киришган. Энг муҳими, улар аҳоли манфаатлари йўлида зиммасидаги масъулиятни яхши тушунапти, ҳис қияпти. Ҳар бир ҳудудда сессиялар ўтказиляпти, қарорлар қабул қилинмоқда. Қарорлар архив учун эмас, одамлар, жамият учун. Улар қоғозларда қолиб кетмаслиги керак.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



...Биз кўниккан “замонавий” ўлчамларга бу инсоннинг сиғишини ҳатто тасаввур қилиш қийин. Айтсанг – ишонишмас, ёзсанг – эртакка менгзашар. Лекин бари рост, бари яқин ўтмиш қатларида қолган ҳақиқат.

Адади миллионга етган ёшлар газетасида Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари, яна денг Кремль қўйган “десантчи кадр”нинг авра-астарини ағдарган бир саҳифалик танқидий мақоласи чоп қилиниб, тепа-ю пастда шов-шувлар роса авжига чиққан, қай бир кабинетларда тақдир пинҳона ҳал қилинаётган журналист кечқурун ишдан чиқиб, автобус бекатига секин одимлаб кетаётганини кўрганман. Киракаш уловга беришга чўнтагида ортиқча уч сўм пули йўқ...

“Халқлар дўстлиги” концерт саройига бирга кириб борамиз. Фойеда таниқли хонанда аёл фарзандлари билан турган бўлади. Хонанда томонга юрамиз – хижолатдан оёқларим чалишиб кетади. Ахир газетанинг кечаги сониди айнан шу хонанда ҳақидаги танқидий мақолам чоп қилинган. Ҳамроҳим хонандага мени таништириши билан унинг афт-ангори ўзгариб кетади – узатилган қўлим ҳавода қолади. “Сиз, журналистдан эмас, ўзингиздан хафа бўлишингиз керак. Икки марта шу “айтишув” миллий урф-одатларимизга тўғри келмайди, одоб чегарасидан чиққансизлар, деб айтувдим. Мана, энди жамоатчилик нафратига учрадинглар!” дейиши билан хонанда “Сиз мақола чиқишидан хабардормидингиз?” деб сўрайди ва “Ҳа, ўзим ўқиб, қўл қўйганман”, деган жавобни эшитиб, тилини тишлайди...

Машҳур халқ артистининг тўйда меҳмонлардан кўпроқ пул қистиришни талаб қилгани, яна бу ҳофиз яқиндагина Ҳаж зиёратини адо қилгани ҳақида аччиққина лўқмам газетада чоп қилинган, менга нисбатан кучли босим бошланган. “Ўз эли шаънини ҳимоя қилган” вилоят ҳокимидан тортиб, ҳофиз тўйларини ўтказиб берган давлат мулозимигача аралашиб, мени ишдан бўшатиш пайига тушишган. Чора излаб пойтахтга келаман. Луқмани чоп қилган муҳаррир “Ҳа, энди... бу ёғи...” деб каловланади, холос. Кадрлар бўлимида эса “ишдан ҳайдаш ҳақида” бўйруқ нусхаси аллақачон тайёрланган бўлади. “Хабарим бор. Қўлингдаги ашёвий далиллар сенинг ҳақлигингни кўрсатиб турибди. Майли, улар қасд олишнинг жирканч йўлини танлашган экан, биз ҳам шунга мажбур бўламиз!” дейди қаҳрамоним ва кимгадир кўнгирак қилиб, бошимга тушган мोजаро ҳақида айтиб беради. “Вилоятга қайт, ишингни қилавер, ўзлари кечирим сўрашади”, деганига унчалар ишонмайман. Аммо эртасигаёқ мендан кечирим сўрашганларида ҳайратим чегара билмайди. Оддий газетанинг оддий бир бўлими мудир қаршисида ҳокимлар-у катта мулозимлар мум тишлашгани сабабларини англашга уринаман. ...Ўша мудҳиш тонгда Норқобил Жалил билан саҳармардон Юнусободга шошамиз. Йўл-йўлакай нохуш хабарни эшитибок, йўловчи уловга ўтирган Мухаммаджон Обидовни ҳам “водий питак”дан оламиз. У инсон яшайдиган кўп қаватли турар жой атрофида ишлар қизиганлигига

ШУНДАЙ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ БОР

ЯХШИЛИК – УМР БЕЗАГИ

Халқ фаровонлигини, мамлакат тараққиётини жадаллаштиришда сиёсий куч вакиллари янада фаол ва ташаббускор бўлиши – давр талаби. “Нуроний” жамғармаси Шўрчи туман бўлими раиси, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати Ўрол Чўтбоев ана шундай улўғ мақсадни зиммасига олган замондошларимиздан. Меҳнаткашлиги, ҳалоллиги билан ҳўрмат қозонган қаҳрамонимиз электорат манфаати йўлида кўп ва ҳўп эзгуликларининг бошида турган.



қилаётганига гувоҳ бўласиз. Сайёр қабул дейсизми, сайловчилар ёки ёшлар билан учрашувми, барига улғуради. Элпарварлиги учун эътирофларга сазовор бўлгани ҳақиқат...

Турли лавозимларда меҳнат қилган сафдошимиз ўн йилдан буён шўрчилик отахон-у онахонларнинг қувонч-у ташвишларига шерик бўлиб келмоқда. Нуронийлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланяпти. Айниқса, байрам ва тантаналарда бу яққол кўринади.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Депутатимиз ташаббуси билан туманда мунтазам равишда спортнинг мини футбол, шахмат, шашка, баскетбол ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилаётгани айнаи мўддао бўлмоқда. Фахрийлар “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам” лойиҳасини оммалаштириш борасида ҳам ёшларга ибрат бўлаётир. Ҳўдудда жинойтчиликнинг олди олиниб, “Хавфсиз ҳўдуд” яратилаётганидан барча бирдек мамнун.

– Нуронийлар жамият кўрки, ёшлар маслаҳатгўйи, рўзгорлар ободлиги, оилалар суянчи ва таянчидир, – дейди Ўрол Чўтбоев.

– Юзларида нур, шўкроналик ҳисси балқиб турган мўътабар инсонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, тиббиёт бирилшмаси ва ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Мўҳими, электорат вакиллари доимий эътиборимизда, ҳайрли амалларимиз бир кун ҳам тўхтаб қолгани йўқ.

Улўғлик ҳар кимга ҳам насиб этаверамайди. Элни ўз ортидан эргаштираётган Ўрол Чўтбоев сингари сафдошларимиз бор экан, яхшиликлар бардавом бўлгусидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЎЛЧАМЛАРГА СИҒМАГАН ОДАМ (Сафар Остоновни хотирлаб)

кўзимиз тушади. Тун бўйи йўлсозлар турар жой мавзесидаги барча йўл ва йўлакларни шошилинч асфальт қилишаётган, ишлар ҳали тугамаганидан атрофни қорамойнинг аччиқ ҳиди тўтиб кетган. Жанозага келганлар кўп қаватли уй олдида омонат ўриндиқларга сиғмайди, кўпчилик тик оёқда. Умри давомида неча-неча бошпанасизларга ёрдам қўлини чўзган, шогирдлари-ю ҳамкасблари ва ҳатто бегоналарга ҳашаматли ҳовлилар олишида, қуришида кўмақдош бўлган инсонни кўп қаватли турар жойнинг тўртинчи қаватидан


сўнгги манзилига кузатаётганимизни ўйлаб, юрагим эзилади, беихтиёр кўзларимга ёш келади...

Куюнчак журналист, қалами ўтқир Сафар Остонов ана шундай одам эди. У ўзидан кўра ўзгаларни кўпроқ ўйлаган, ўз дарди-ташвишларини ичига ютиб, ўзгаларга қувонч бағишлаган ва бунинг умрининг мазмуни, деб билган шахс эди. Ҳа, у биз кўниккан ўлчамларга сиғмасди.

Рўзимбой ҲАСАН, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси.



КУЮНЧАК ЖУРНАЛИСТ, ҚАЛАМИ ЎТҚИР САФАР ОСТОНОВ АНА ШУНДАЙ ОДАМ ЭДИ. У ЎЗИДАН КўРА ЎЗГАЛАРНИ КўПРОҚ ЎЙЛАГАН, ЎЗ ДАРДИ-ТАШВИШЛАРИНИ ИЧИГА ЮТИБ, ЎЗГАЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАГАН ВА БУНИ УМРИНИНГ МАЗМУНИ, ДЕБ БИЛГАН ШАХС ЭДИ.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

БЕПУЛ ТИББИЙ КўРИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ховос туман кенгаши ташаббуси билан соғлиқни сақлаш йўналишида навбатдаги амалий тадбир ташкил этилди. Жўмладан, Ховос туман тиббиёт бирилшмаси билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилалар аъзолари, аёллар ва болалар учун бепул тиббий кўрик ўтказилди.

Кўрик жараёнида аҳоли малакали шифокорлар томонидан бир неча турдаги касалликлар бўйича текширувлардан ўтказилиб, зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди. Ушбу тадбир аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламлар саломатлигини яхшилаш, профилактика қилиш ва касалликларни эрта аниқлашда мўҳим ўрин тутати.

ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДА ҲИСОБОТ БЕРДИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова ўз сайлов округида амалга оширган фаолияти юзасидан сайловчиларга ахборот берди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида 5 марта сайёр қабул ташкил этилиб, уларда кўтарилган муаммоларнинг аксариятига жойида ечим топилган. Айнаи пайтда 15 та мурожаат депутат назоратида. Энг мўҳими, сайловчилар билан бевосита мулоқотлар

ўтказилиб, уларга ҳуқуқий ва амалий кўмак кўрсатилмоқда.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ БўЛИБ ЎТДИ

Халқ депутатлари Қонлиқўл туман Кенгашининг ижтимоий масалалар, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт йўналишидаги доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда туманда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва спортни ривожлантириш борасида 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар атрофида муҳокама қилинди. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими бошлиғи Г. Нуриимбетова тумандаги эпидемиологик вазият, касалликларнинг олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлиги бўйича ахборот берди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикрлар алмашилди.

Спорт мактаби директор ўринбосари М.Турдимуратов эса туманда спортни оммалаштириш, ёшларни спортга жалб этиш ва зарур инфратузилмани яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот берди. Йиғилиш давомида депутатлар ва комиссия аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва фикрлар инобатга олиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мазкур комиссия йиғилиши ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг жойида муҳокама қилиниши ва уларни ҳал этишда парламент назоратининг мўҳимлигини яна бир бор тасдиқлади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҚўЙДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ БўЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1 та монтаж компьютери (HP 32 2K/AMD Ryzen 9 9950X/ Gigabyte X870 AORUS ELITE WHITE WIFI 7/ T-Force Delta RGB DDR5 6000MHz 64GB (2x32GB) White/ MSI RTX 4070 Ti SUPER GAMING X SLIM/ Samsung 990 Pro NVMe M.2 1TB/ 8 TB WD/ Deep Cool 850W/ GameMax IceBurg 360V Digital White/ (360mm)/3x ARGB Infinity Cooler/ Aquarium white/ Logitech 102/ колонки Microlab);
- 4 та микрофон (Rode PodMic);
- 2 та камера (Sony a7 III);
- 3 та объектив (2 та - Sony FE 24-105mm f/4 G OSS, 1 та - Sony FE 70-200mm f/2.8 G OSS II);
- Мебель жиҳозлари (1 та Podcast учун стол, 4 та кресло);
- 1 та мобиль телефон (Apple iPhone 15 Pro Max 1TB);
- 1 та стабилизатор (DJI Osmo Mobile 7P, DJI Mimo, Android ва iOS тизимларини қўллаб-қувватловчи, турли бурчакларда, ҳаракатда суратга олиш имконини берувчи қурилма);

- 2 та юзларни ёритиш чироғи (Amaran 100d S);
- Фон учун декоратив жиҳоз ва аксессуарлар
- 1 та симсиз 8-каналли конференц тизими, 8 та эгилувчан микрофон ва пульти билан
- 1 та симсиз микрофон тизими (2 та қўл микрофонида иборат тўплам);
- 2 та шифт колонкалари (16 Ω паст қаршиликка эга)

Тижорат таклифлари 2025 йил 10 июль кунига қадар қўйидаги манзилда қабул қилинади: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган қорхона ва ташкилотлар махсулотларнинг таснифлари ҳақида (71) 239-19-73 телефон рақами орқали маълумот олишлари мумкин.

ЁЗ ЧИЛЛАСИНИНГ СИНОАТЛАРИ

Халқимизда чилла билан боғлиқ ўдумлар, маросимлар, иборалар, мавсумий ишлар жуда кўп. Янги оила – чиллалик, кишининг қахратонида мевали дарахтларга чилла суви берилади, чақалоқ туғилса – момолар 40 кун чиллага олади, халқ оғзаки ижодида мушкулотга йўлиққан ботирларга қирқ чилтон ёрдамга келади, хуллас, чилла ажабтовур сирли-сеҳрли, пафосли тушунча, менталитетимизда мустаҳкам ўрнашган образ.

Хўш, чилла ўзи нима? Чилла оддий тилда изоҳлаганда ҳимояланиш, сақланиш дегани. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг масъулиятли даврни англатувчи сўз ҳисобланади. Ота-боболаримизнинг талқинига кўра, қирқ кунлик қиш чилласи катта чилла, ёзнинг қирқ кунлик чилласи кичик чилла, дейиларкан. Айтишларича, ёзги чилла қанчалик иссиқ бўлса, кишии чилла шунчалик совуқ бўлади. Муҳими, киши ўзини ҳимоялаши керак. Бинобарин, чилла билан боғлиқ маросимлар моҳиятида ҳам шу фалсафа туради.

40 КУНЛИК САРАТОН

25 июндан бошлаб қирқ кунлик давр, халқ аънаналарига кўра, "чилла" ёки "саратон", деб аталади. Ёзда қизиган чўллар устида юқори ҳароратли ва намлиги кам бўлган тропик ҳаво массалари шаклланади, бу ёзнинг ўрталарида булутли, қуруқ ва иссиқ об-ҳавони белгилайди.

Одатда ҳароратнинг энг юқори қийматлари аслида чилла

даврига тўғри келади. Бу йил ҳам чилланинг бошланиши жорий йилнинг биринчи иссиқ тўлқинларига тўғри келмоқда.

НИМА УЧУН АЙНАН ҚИРҚ КУН?

Ҳаммамиз қизиқиб, катталардан шулар ҳақида кўп сўраганмиз, тўғрими? Аслини олганда ҳам қизиқ-да. Ёз чилласи кириши билан момоларимиз “пойабзалсиз юр, чиллада фойдаси катта”, дейишарди. Бобо-бувиларимизнинг сир-синоатларга бой ҳикояларини тинглаб, чиллада нима қилиш мумкин-у нима мумкин эмаслиги ҳақида илк тасаввуларимиз уйғонгани ҳам рост.

Халқимизнинг ушбу ёз чилласида кумга ва шифобахш балчиққа чўмиладиган азалий урф-одатлари ҳам бор.

Атрофимиздаги ҳодисалар ҳақиқатан ҳам чилла билан боғлиқми? Узоқ йиллар, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ушбу ёзилмаган қонунлар, халқ тили билан айтганда “ўлмас аънаналар”нинг

моҳиятида нима ётади ўзи? Бу саволларга аниқ жавоб бериш мушкул. Қолаверса, чилла нега айнан 40 кун эканлигини ҳам ҳеч ким билмайди. Аммо, шу 40 кунда табиат бошқача бўлади, ростдан ҳам, бир бутун давр сифатида муайян об-ҳаво ҳукм суради.

Деҳқонларимизнинг айтишича, ушбу кўёшли кунлар улар учун ғанимат. Айниқса, совуқ кунлардан "толиқиб" чиққан экинларга чилла суви қони фойда. Бу пайтда ғўза парваришида сувдан унумли фойдаланиш тadbирлари муҳим ўрин тутadi. "Чилла суви – тилла суви", деб бежизга айтишмайди, ахир.

Янги барпо этилган боғ ва тоқзорлар июль ойида 2–3 мартаба қондириб суғорилиши аънаанага айланган. Деҳқонларнинг айтишича, чилла суви айниқса, ғўза парвариши учун қони фойда экан. Айнан июль ойида экин қатор ораларига ишлов бериш орқали тупроқнинг майин, донадор бўлишига эришиш ўсимликнинг ривожланишини таъминлайди, пировардида, сувсизликка чидамлилигини оширади.

Турғун ТЎРАХОНОВ, деҳқон:

– Қадимда ота-боболаримиз чилланинг 1 куни қолса ҳам қўрқ, дейишарди. Моҳиятига, мазмунига эътибор берадиган бўлсак, чилла баъзи ҳодисаларнинг энг оғир,

хатарли ёки масъулиятли даврини англатувчи тушунча. Халқимизнинг азалий аънаналарига кўра, қирқ кунлик давр "чилла" ёки "саратон", деб аталади. Бу давр бевосита мамлакатимиз иқлими, физик-географик жойлашуви билан белгиланади. Ўртача энг юқори ҳарорат аслида чилла даврига тўғри келади.

Ёз чилласида чилла сувига қондирилган экин майдонларида мўл ҳосил тўпланади. Тоқ, яъни, узум ҳақида элда шундай гап бор: "Қавсда сув ичса қамчидай, чиллада сув ичса чилликдай навда беради". Бу дегани чиллада сув ичган тоқнинг новдалари серҳосил бўлади.

ЖАЗИРАМАДАН ҲИМОЯЛАНИШ

21 июндан 22 июнга ўтар кечаси энг қисқа тун ва энг узун кун ҳисобланади. Шундан кейин ёз чилласи бошланади. У 40 кун давом этади.

Мутахассислар ёзги саратон даврида иссиқдан қандай ҳимояланиш бўйича тавсиялар беришмоқда. Ушбу қоидаларни яна бир бор эслатиб ўтамиз.

• **кўёшда узоқ вақт қолмасликка ҳаракат қилинг, айниқса, куннинг ўртасида. Агар бунинг иложи бўлмаса, танани ва бошни тўғридан-тўғри кўёш нурларидан ҳимоя қилишга**



ҳаракат қилинг.

• **кўп суюқлик ичинг, музлаткичдан музли ичимликлар эмас, балки илиқ сув ёки энг яхшиси, кўк чой ичинг.**

• **кўпроқ мева, сабзавотларни истеъмол қилинг. Жуда аччиқ ва ёғли овқатларни истеъмол қилмасликка одатланинг. Совутиш мосламалари билан жиҳозланмаган дўконлардан маҳсулотларни харид қилманг – улар кўёшда қанча вақт бўлганини билмайсиз-ку.**

• **кондиционерли хонада бўлганингизда, тўғридан-тўғри совуқ ҳаво оқими тагида ўтирманг ва кондиционерни 18 даражадан паст бўлмаган ҳароратга "дастурланг".**

• **юрак-қон томир касалликлари бор инсонлар дори-дармонларни қабул қилиш бўйича шифокор билан маслаҳатлашишлари керак.**

Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш, уларнинг тadbиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун, аввало, молиявий кўмак зарур. “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки айни йўналишда эътирофга лойиқ тажрибага эга. Мазкур банк томонидан журналистлар учун Тошкент вилоятига ташкил этилган пресс-тур давомида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Пресс-турнинг дастлабки манзили замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган Янгийўл банк хизматлари маркази бўлди.

Маълумотларга кўра, Тошкент вилоятида "Бизнесни ривожлантириш банки"нинг фаол мижозлари сони 68 минг 636 нафарга етган. 4 минг 851 та микро, кичик ва ўрта бизнес субъекти ҳам БРБ хизматидан фойдаланади. Худудда 67 та маҳалла ушбу банкка бириктирилган бўлиб, уларда маҳалла агентлари ва 24 нафар маҳалла банкири фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалла банкири ва агентлари кўмагида 13 минг 984 та микролойиҳа амалга оширилиб, уларга 329,9 миллиард сўмлик кредит ажратилди ва жами 28 минг 629 та иш ўрни яратилди.

Пресс-тур дастурига мувофиқ навбатдаги манзил – “Янгийўл – Агростар” масъулияти чекланган жамиятида помидор, бўлғор қалампир, кўкатлар каби 27 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортга чиқарилади. Ҳозирги кунда корхона экспорт географияси Россия, Канада, АҚШ давлатларини қамраб олган. Бундан ташқари, 20 минг тоннадан ошиқ помидорни тўғридан-тўғри Италия бозорига чиқариш бўйича шартнома тузилгани ҳақида маълумот берилди.

Шундан сўнг журналистлар “Томорқа мактаби” фаолияти билан яқиндан таништирилди. Мазкур мактабда томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилларининг ҳар бир гуруҳи учун ҳафтада 4 кун ўқув машғулотлари ташкил этилар экан. Машғулотлар тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, уларнинг ўрганишларидан келиб чиқиб, ихтисослашган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш бўйича тавсиялар бериб борилади.

Бу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент давлат аграр университети, Сабзавотчилик ва тупроқшунослик илмий-текишириш институти ҳамда “АГРОЛАБ” илмий-текишириш лабораториялари билан келишувларга эришилган.

"Томорқа мактаби"да шу кунга қадар 80 га яқин томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари ўқитилган ҳамда йил якунига қадар улар сафини 600 нафарга етказиш режа қилинган. "Томорқа мактаби"да ўқиб, сертификатга эга бўлганларга "Бизнесни ривожлантириш

банки"нинг имтиёзли кредитларидан фойдаланишда қатор енгилликлар жорий қилинган.

Янгийўл шахридаги дон маҳсулотларини қайта ишловчи “MRFLOWR” заводи ҳамда "WELLTEX" текстиль корхонасига ташриф тadbир иштирокчиларининг таассурот ва тасаввурини янада бойитди.

– Лойиҳамиз қиймати 25 миллиард сўмни ташкил этади, – дейди “MRFLOWR” заводи таъсисчиси Ғофур Усмонов. – Асосан бўғдойни Қозоғистондан импорт қилиш билан шўғулланамиз. Қўшимча дон захирасини яратиш, корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ва замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида БРБдан 6 миллиард сўм имтиёзли кредит оляпмиз.

"WELLTEX" масъулияти чекланган жамияти эса 2022 йилда ишга туширилган бўлиб, йилига 1 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Текстиль корхонада 50 нафарга яқин хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Унинг маҳсулотлари Қозоғистон ва Россияга экспорт қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур жамият ҳам "Бизнесни ривожлантириш банки" ёрдамида экспорт салоҳияти ва географиясини кенгайтириб бормоқда.

– Аҳолига кредит олишдан олдин ундан самарали фойдаланиш йўллариини ўргатиш, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш зарур, – дейди Оҳангарон шахридаги “Шодлик” МФйга маҳалла банкири сифатида бириктирилган Ҳасан Мамарасулов. – Бу борада маҳалла банкирлари яқин кўмакчига айланди. Мазкур тизим аҳоли манфаатларини самарали қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаларда иқтисодий фаолликни оширишнинг янги босқичини бошлаб берди, деб бемалол айтиш мумкин. Хусусан, ўзим масъул бўлган маҳаллани айланиб, хонадонларни битталаб ўрганипман. Одамларнинг эҳтиёжи, талаби, имкониятларини аниқлаштириб оляпман. Шу асосда манзилли ишлар ташкил этилади. Чунки олдимизда иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш



орқали оилаларни камбағалликдан чиқариш вазифаси турибди. Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада тadbиркор бўлиш истагидаги фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларнинг бизнес-режалари билан танишиб, 60 миллион сўмгача кредит ажратишга эришмоқдамиз.

"Шодлик" МФйда жойлашган "DAVLETYAROV TAXIR" якка тартибдаги тadbиркорлик субъекти ҳам ушбу имкониятдан самарали фойдаланди. Ушбу ЯТТ аҳолига компьютер ва полиграфия хизматларини кўрсатиб келади. Кичик бизнес вакиллари ва тadbиркорларимизда ташқи рекламаларга талаб ортаётгани фонида замонавий, катта ҳажмдаги полиграфия ускунасига зарурат пайдо бўлганини билгач, БРБ томонидан 60 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада зарур ускуна келтирилди ва қўшимча иш ўрни яратилди.

– Маҳалламиздаги "PANDA MANTI" умумий овқатланиш шохобчаси мана шундай молиявий кўмак туфайли фаолиятини сезиларли кенгайтирди, – дейди Оҳангарон шаҳар "Янгиобод" МФй маҳалла банкири Муҳаммаджон Чиналиев. – Ушбу шохобчанинг бренди – "PANDA MANTI" аҳолимизнинг энг сеvimли таомига



"WELLTEX"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЭСА 2022 ЙИЛДА ИШГА ТУШИРИЛГАН БЎЛИБ, ЙИЛИГА 1 МИЛЛИОН ДОНА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА. ТЕКСТИЛЬ КОРХОНАДА 50 НАФАРГА ЯҚИН ХОТИН-ҚИЗ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН.

айланди. Оҳангарон шахрига меҳмон бўлиб келганлар бу ерга қирмай кетмайдилар. Ушбу шохобча 10 га яқин корхонага тушлик тайёрлаб етказиб беришни ҳам йўлга қўйган. Хуллас, БРБ мадади билан мустаҳкам оёққа туриб, барқарор ривожланаётган шу каби кичик ва ўрта бизнес субъектларига деярли ҳар бир маҳаллада дуч келиш мумкин.

Маълумот учун. Жорий йил бошиданок давлат раҳбарининг топшириғи билан юртимиздаги тижорат банкларига “Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида 1 миллиард доллар кредит маблағлари ажратилди. Қолаверса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича банклар томонидан 300 миллион сўм миқдоридаги шартсиз кредитлар берилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.
Реклама ҳуқуқи асосида.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAOFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 537. 1687 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda